

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 5 (11.816)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Миллий хунармандчилик

### СОҲА РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИБ

«Тошкент бадий керамика тажриба комбинати» масъулия чекланган жамиятида ҳам бинолар учун безак қошлар, ўймакор эшик ва устунлар, ганч ва нақшдан қуриш ашёлари ишлаб чиқарилади. Жорий йилда жамият томонидан Турин политехника университети, «Лукойл» компаниясининг шаҳримизда бунёд этилаётган офиси, Қўқон шаҳридаги темир йўл вокзали пештоқлари, деворлари учун керамика маҳсулотлари етказиб берилди.

Корхонада кошкорлик маҳсулотларидан ташқари, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ истеъмоли моллари — аъёнани сўпол буюмлар ҳам ишлаб чиқарилади. Турли ҳажмлардаги хумлар, вазалар, гултуваклар, лаган, шокоса, чойнак-пиёла каби кўплаб буюмлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, комбинатда баракали меҳнат қилаётган 78 нафар ишчи-хизматчилар таркибига кирувчи рассом-усталар томонидан ноънъанавий сўпол асарлари ҳам тайёрланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, миллий хунармандчилик ривожига юксак эътибор қаратилмоқда, — дейди «Тошкент бадий керамика тажриба комбинати» МЧЖ директори Фуркат Мансуров. — Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари қизғин кечмоқда. Кўплаб янги замонавий бино, иншоотлар қад ростламоқда. Кўп асрлик миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш — тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Бинобарин, қурилиш материалларига, халқ усталарига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.



тўғрисида»-ги Фармони соҳа ривожини янги bosқичга кўтарди, ички ислохотларни амалга оширишда кенг имкониятлар яратди. Айнан ёшларимиз мисолида айтадиган бўлсак, комбинатимизда уста-шоғирд йўналишида иш ўрганиб, эндиликда Ўзбекистон халқ усталари ва хунармандлари «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиб, уй шароитида меҳнат қилаётганлар алоҳида имтиёзга эга бўлиши — 2012 йилнинг 1 апрелигача солиқ тўловидан озод этиладилар. Солиқдан бўшаган маблағни эса ўз касбларини ривожлантиришга ҳамда оилалари фаровонлигини таъминлашга сарфлайдилар.

Бугунги кунда корхона маҳсулотлари шаҳримизнинг гўзал иншоотлари — Тошкент метросининг ўнга яқин бекатлари, Темирийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент вокзали, Сенат, Олий

Мажлис бинолари, Аэропорт терминал 2 та биноси, Тошкент давлат цирки каби бинолар кўркамга кўрк қўймоқда.

Халқ амалий санъати нодир намуналарини қайта тиклаш, тарихий обидаларни таъмирлашда ҳам тажриба комбинати усталари бор маҳоратларини намойиш қилишмоқда. Жумладан, миллий хунармандлар билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Ҳазрати Имом», Самарқанддаги «Шохи Зинда», Бухородаги Баҳроуддин Нақшбандий мажмуалари, имом Ал Бухорий зиёратгоҳи каби иншоотларда эзгу ишлар амалга оширилди.

Комбинатда халқ усталари ва рассомлари билан биргаликда ёш, умидли ижодкорлар ҳам самарали меҳнат қилишмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. ЎЗА мухбирлари ушбу айём арафасида ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бағишлаган ҳаётларимиз ва уларнинг оила аъзолари билан сўхбатлашди.

14 январь —  
Ватан ҳимоячилари кунини

### ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Исроил МИРЗАЕВ, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлигининг ўринбосари, подполковник:

— Ҳарбий соҳага қизиқишим мактабда уйғонган. Ҳарбий бўлиш, эл-юрт тинчлигини ҳимоя қилиш ҳар биримиз учун шарафли бурчдир. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетини курсантларга сабоқ бераман ва шундай шарафли касб эгаси бўлганимдан фахрланаман.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий хизматнинг нуфузини ва ёшларимизнинг армиямизга қизиқишини янада оширмоқда. Ҳарбий хизматга иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқараш кенг ёшлар саралаб олинмоқда. Бугунги ёшлар, хусусан, ҳарбийлар учун яратилган шароит, берилётган имтиёз ва имкониятларнинг кўлами кенг.

Эл-юртимиз осойишталиги ишончли қўлларда. Юртимизда давр талаби ва жаҳон андозала-

рига жавоб берадиган Қуролли Кучлар барпо этилган. Мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш ҳамда миллий армиямизни янада такомиллаштириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустаҳкамла-нишига хизмат қилмоқда.

Юртимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Мамлакатимизнинг барча худудларида катта тантана билан нишонланадиган байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш иштиёқини янада кучайтиради.

Дилшод МУСАКУЛОВ,  
капитан:

— Юксак масъулият талаб қиладиган ҳарбийлик касбини эгаллаш учун Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида тахсил олдим. Интилиш ва изланишларим самарасида ўз ниятимга етганимдан бахтиёрман.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринки руҳда, тантанали нишонлаш учун катта тайёргарлик кўряпмиз. Маъмур сана нафақат биз, ҳарбийларнинг, балки барча ҳаётларимизнинг кутлуг байрамидир.

Музаваара РАЖАБОВА, уй бекаси:

— Турмуш ўртоғим истеъфодаги подполковник, «Дўстлик» ордени соҳиби. Чегара қўшинлари сафида хизмат қилган. Фарзандларимиз ҳам ҳарбийликни танлашди. Ўғилларимизнинг мамлакатимиз осойишталигига қамарбаста, она Ватанга содиқ ўғлонлар бўлиб камол топиши биз, ота-оналарнинг ҳам бахти, ҳам ғурур-ифтихоридир. Бугун сафда турган ўғлонларимизга қараб, эл-юрт осойишталиги ишончли қўлларда эканидан қалбимиз қувончга тўлади.

Ойбек ҲАНИЕВ, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсанти:

— Мен «Радиотехника» йўналиши бўйича таълим оляпман. Ҳаётимни ҳарбий либосиз, қатъий интизом ва жанговар машқларсиз тасаввур қила олмайман. Бу ерда ҳарбий ихтисосликларни пухта ўрганишга ҳаракат қиляпман. Факультетимиз ҳарбий кўшинларда қўлланилаётган барча замонавий ҳарбий техника ва алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Тахсил олишимиз учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

Мақсадим мамлакатимиз истиклоли, эл-юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишдан иборат.

Мадина УМАРОВА,  
Нодира МАНЗУРОВА

### Иқтисодиёт ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор боис ўзига хос ташаббус билан имкониятлардан самарали фойдаланаётган соҳа ходимлари ютуқлари салмоғи ортиб бормоқда.

Айниқса, янги лойиҳаларни амалга оширишда, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот турларини кўпайтиришда уларнинг ўрнини таъкидлаш лозим. Жумладан, «Ўзполимет-бизнес» масъулият чекланган жамияти ҳам ана шундай изланишлар самарасини таъминлаётган жамоалар сирасига қиради.

— Маҳсулотларимизни харидорларга манзур этишда аввало ишчиларимизга замонавий дастгоҳ қўл келмоқда, — дейди корхона директори Наҳмиддин Фуломов. — Шунинг баробарида Хитойдан келтирилган маъмур дастгоҳни бошқарадиган ишчилар малакасини ҳам оширишга муваффақ бўлдик. Натижада бизнинг Россия технологияси асосида ишлаб чиқараётган металл ҳамда кум аралашган полимер черепицаларимиз кўриниши, сифати билан харидорини топмоқда. Энг муҳими эса қисқа фурсат мобайнида кўплаб қурилиш ташкилот ва фирмалари асосий буюртмачилар сафидан ўрин олди. Маҳсулотларимиз билан замонавий биноларга кўркамлик бахш этаёلمиз.

Тайёрланаётган маҳсулот сифати хусусида тўхталиш жоиз бўлса, полимер черепицалар иклим шароитига мос, четдан келтириладиган шундай товар билан рақобатлашиши баробарида маҳаллий хом ашёдан фойдаланилгани боис ҳам бирмунча арзон, ўрнатишга қулай. Шунингдек, иссиқ ва совуққа чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида имкониятлардан фойдаланишга аҳд қилган ишбилармонлар яна бир янги йўналиш устида изланишмоқда. Тез орада улар хилма-хил дизайндаги йўлак плиткаларини харидорларга тортиқ этиб, қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларига ўз хиссаларини қўшишади.

Шарофат БАҲРОМОВА

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Яққасарой маиший хизмат касб-хунар коллежида вояга етмаган ёшлар ўртасида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** тасвирий санъат галереясида «Янги йил эртақлари» болалар кўргазмаси очилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги 112-мактабда бўлиб ўтган анжуман ёшлар тарбияси масалаларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида «Огоҳ бўлинг, одамлар!» номли спектакль премьераси намойиш этилди.

• Янги — 2011 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар бошлиқларидан самимий табриклар келиши давом этмоқда.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзинфо-инвест» агентлигининг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини чет эл ишбилармон доиралари орасида тарғиб қилиш ва хорижий инвесторларни жалб этиш борасидаги фаолияти муҳокама-сига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

• Шўрчи тиббиёт коллежи ўқувчилари замонавий қулайликдан баҳраманд бўлдilar. Бу ерда 270 миллион сўмлик маблағ эвазига 50 ўринли талабалар турар жойи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

• Янги йилни Амударё тумани ёшлари кўшалок байрам сифатида нишонлашди. Сабаби, байрам кунлари бу ерда замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Тумандаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тасаруфига ўтказиб берилган маъмур мажмуа «Амударёсувқурилиш» масъулият чекланган жамияти қурувчилари томонидан 181 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилди.

• Косонсой туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда худуддаги 20 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар 161 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир якунида 58 кишига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Уларнинг 41 нафари касб-хунар коллежлари битирувчилари эканлиги эътиборга лойиқдир.

• Янги йил байрами кунларида карманалик тадбиркор Рўзибиби Бозорова халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Кармана мармар тош» хусусий корхонасини ишга туширди. Бунда «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан олинган 90 миллион сўмлик сармоя қўл келди. Ушбу маблағ эвазига бу ерда ошхона, савдо дўкони, новвойхона ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехлари бунёд этилди.

### ЖАҲОНДА

• Кот д'Ивуар ҳукумати Буюк Британия ва Канада элчиларини мамлакатдан чиқариб бормди.

• Жанубий Корея ва КХДР Сарик денгиз бўйидаги чегара жойларда жанговар тайёргарлик даражасини пасайтиришди.

• Кеча Гондурасда автобусда рўй берган отишма чоғида саккиз киши ҳалок бўлди.

• Қизил денгизнинг Яман қирғоқлари атрофидаги қисмида ноқонуний муҳожирилари олиб кетаётган иккита кеманинг сувга ғарқ бўлиши натижасида камида 80 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Италияда Хитой ва Таиландда ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотлари сотуви тақиқланди. Бунга маъмур маҳсулотларда меломин кимёвий моддаси мавжудлиги аниқланганлиги сабаб бўлган.

• АҚШдаги ўқ-дорилар ишлаб чиқарувчи заводда бир нечта портлаш рўй берди. Ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

• Ўтган йилнинг октябрь ойи ўрталарида Гаитида вабо касаллиги эпидемияси бошланган эди. Айни кунга келиб вабога йўлиққан гаитиликлар сони 155 минг нафардан ошди. Эпидемия қурбонлари сони эса 3333 нафарга етган.

• Германияда мингдан ортиқ парранда фермаларига ўз маҳсулотларини сотиш тақиқлаб қўйилди. Товуқларга бериладиган емиш таркибиде катта миқдорда доксин захарли моддаси борлиги аниқлангач, маъмурлар шундай чора кўришга мажбур бўлдilar. Ҳозирда парранда емишига захарли модда қандай аралашиб қолгани юзасидан суриштирув ишлари кетмоқда.





**Ота-оналар бурчаги**

**ҚАНДАЙ СОВФАЛАР ТАНЛАГАН МАЪҚУЛ?**

Интерактив ўйинчоқлар фақат роботлар ва махлуқлардангина иборат эмас. Дўконларда ўғил ва қиз болалар учун сеvimли «FurRealFriends» хонаки жониворларнинг катта туркумини кўришингиз мумкин. Юмшоқ, юнгдор қуёнчалар, кучуқчалар, мушуквойлар вовиллашлари, миёвллашлари, думларини ликиллашлари ва бурунларини тортишлари мумкин. Жозиба бали пони қулоқларини қимирлатади, гижинглайди ва пишқиради.

Овчи кучуги буйруқларни бажарса, тўтиқуш Кеша айtilган сўзларни ажойиб тарзда ёдлаб олади. Интерактив ўйинчоқлар бола қалбини иситиш билан бирга оналарга ташвиш туғдирмайди: кучуқчалар, қуёнчалар, маймунчалар, ҳатто айиқчалар ҳеч қачон аллергиянинг сабабчиси бўлишмайди, бунинг устига болакайлари тишлаб ёки тирнаб олишмайди.

Айиқча J.Teddy ҳар қандай жойда болаларни ҳеч ҳам зериктириб қўймайди. Айиқчанинг башанг футболкаси остига замонавий медиа-плейер яшириб қўйилган. J.Teddy билан бирга мусиқа тинглаш, қизиқарли ўйинларни ўйнаш, мультфильмлар ва кинони томоша қилиш мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқлар — ўғил ва қиз болалар учун ажойиб совға ҳисобланади. Лекин бу — зерикарли ўйинчоқ дегани эмас. Чунинчи, ҳар бир ўйинчоқ Laffi ўзига хос дизайни билан фарқлини туради, ўз феъл-атвори ва қилиқларига эга. Шу турдаги ўйинчоқлар орасида ажойиб сичқончалар, кулгили кучуқчалар, қуёнчалар, йўлбарслар — жами юз хилга яқин ўйинчоқлар мавжуд. Улар турли ёшдаги болалар ва ҳар хил қизиқишдаги кишилар учун мўлжалланган.

**Мутахассис маслаҳати**

**ФАСЛДА ХУШ ТАЪМ БЕРУВЧИ ТАОМЛАР**

Бизга серхосиятли неъматларни етиштириб берувчи дала аҳли қовоқларнинг турфа хилларини етказиб бермоқдалар. Қовоқларнинг шифобахшлигини таърифлаб интиҳосига етиш қийин. Қовоқдан турфа кўринишдаги татимли, саломатлик учун фойдали таомлар тайёрлаш мумкин.

**Ширковок.** Мазкур таом жигар, меъда-ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун, шунингдек, оғир хасталикларни бошидан кечирган кишиларга дармонбахш, тетикаштирувчи овқат тариқасида тавсия этилади.

Ширковокни тайёрлаш учун етилиб пилган қовоқдан 400 граммча олиб, пўсти ва уруғ-тивитларидан тозалаб, катта чорбурчак қилиб тўраллади ва ювиб, идишга солинади. Бир стакан жайдари гуручни ювиб солинади-да, масаллиқнинг юзи билан баробар қилиб сув қуйиб, қайнатиб олинади. Унга ярим чой қошиқ микдорда туз солинади. Қайнаганда гуруч билан ошқовоқ чала пишади ва суви анча камаяди. Шундан сўнг 3 литр сут қўшиб, қайнашни давом эттирилади. Бу жараён ошқовоқ юмшаб, гуручи эзилгунча давом этади. Юмшар маҳсулотни дастурхонга тортишдан олдин идишнинг қопқоғи ёпилган ҳолда чамаси 15-20 дақиқа «дам едирилади», шунда ширковок қаймоқ боғлаб бет олади, косаларга тақсимлаб, бир чой қошиғида сариеғ солиб келтирилади.

**Яхна қовоқ ёмбиси.** Ошқовоқнинг «дастор», «витаинли» каби навларининг биридан ярим килоча олиб, уруғини ажратиб, гугурт қутисидек бўлақларга бўлинади. Маҳсулотни сувга солиб, 25 дақиқа давомида қайнатиб пиши олдиан туз солинади. Сўнгра ошқовоқнинг бўлақлари сувдан лаганга олинади ва совутилиб, дастурхонга тортилади.

Қовоқ яхнасини энг қулай тайёрлаш

ўйли, бўлақларга ажратилган неъматни қасқонга солиб, бугда пиширишди. Бир соат давомида бугда пиширилган қовоқ совуғач, сариеғ ёки қаймоқ билан дастурхонга тортилса, жуда тотли ва ейишли бўлади. Бу таом халқ табобатида ошқозони оғриган касалларга даво бўлади, ичак ва юрак-қон томир хасталикларидан парҳез сифатида қўлланилади, хафақон дардига мубтало бўлганлар учун жуда фойдали, сариқ касалини бошидан кечирганлар учун қувватбахш, яъни аъзоларни мустаҳкамлаш билан бирга кўзни равшанлаштириш хусусиятига ҳам эга.

**Қовоқ шарбати.** Бу неъматни нафақат пиширилган ҳолдагина истеъмол қилинмайди, балки унинг сархил шарбати ҳам бир қатор дардларга эмлик қилади. Қовоқ етилиб пилган пўстидан ҳоли қилинади, уруғларидан тозаланади, совуқ сув билан ювилади, сўнгра кирғичда қириб, суви доқадан ўтказилади (бунда чиқарувчи мосламадан фойдаланса ҳам бўлади). Қовоқдан ажратиб олинган шарбат буйраги ҳамда жигари касалланган беморлар учун ниҳоятда фойдали ҳисобланади. Қовоқ шарбати чанқоқни яхши қолдиради, юрак ишининг сустлиги билан боғлиқ сиқилиш пайдо бўлганда ундан фориг этади, хомсемизликдан илчамлашига мойиллик яратади.

Қовоқ шарбатини катта ёшли одамларга кунига 2-3 стакандан ичиш тавсия этилади.

**Дано ХўЖАЕВА,**  
олий тоифадаги доришунос

**Газетхон илҳоми**

**БУНЧА ХУШРЎЙСИЗ**  
Гуллар менинг ноёб гулларим,  
Бунча нозик, бунча хушрўйсиз!  
Йиллар, менинг ёшлик йилларим,  
Жуда тотли, мунча хушбўйсиз!

**ҚАЛБ ЖАВҲАРИ**  
Кўнгил-гавҳар, лек унинг бозори йўқ,  
Ҳаёлларда юрагининг шайдоси кўп.  
Дардларим ёзай десам, давоси йўқ,  
Дилгинамни гашламанг озори кўп.

**КАБУТАРМАН**  
Мен ўша — бегубор, оппоқ кабутар,  
Осмон оғушига инган кабутар!  
Самони кувалаб учгим келади,  
Оппоқ орзуларни кучгим келади!  
Дилором МУҲАММАДЖОН қизи

**Уй бекалари, сизлар учун**  
**БРИНЗАЛИ ПИШИРИҚ**

Масаллиқлар:  
160 г шакар, 350 г тузсиз бринза, 1 та лимон шарбати, 100 г ун, 4 дона тухум олиш керак.

Тайёрлаш усули:  
Тухум саригини шакар билан кўпчиринг, унга юмшатирилган бринзани, лимон шарбатини, унни, бир ош қошиқ

**ОШХОНАДАГИ УДДАБУРОНЛИКЛАР**

- Бўтқаларни эмалланган идишларда пиширманг — уларда бўтқа куйиб, тагига олади.
- Ошхонада ёқимсиз ҳид пайдо бўлса, товага озгина сирка қуйиб, у бугланиб кетгунча оловда ушлаб туринг.
- Қўлингиздан пиёз ҳиди анқиб турмаслиги учун майдаланган петрушка кўкати қўлларингизга ишқаланг. Қўлга ўтириб қолган саримсоқ пиёз хидидан қутулишда сельдерей (кашничсимон кўкат) яхши ёрдам беради.
- Това ва кастриюлардаги балиқ хидини қиздирилган туз билан ишқалаб, кейин сувда чайиб йўқотиш мумкин.
- Лимон пўстини ташлаб юборманг —

- уни идиш-товоқлар ювиладиган сувга солиб қўйсангиз, идишлар ялтираб туради.
- Никелланган идиш-товоқлар бир ош қошиқ сирка ҳамда бир чой қошиқ туз солинган эритмада яхши тозаланади.
- Куйган овқатни бошқа идишга ағдаршига ошиқманг. Кастриюкани совуқ сувга қўйсангиз, куйган овқат кастриюканинг тубига ёпишиб қолади. Овқатнинг куймаган қисмини осонгина бошқа идишга солиб олишингиз мумкин.
- Кастриюканинг таги куйиб қорайган бўлса, унга қаттиқ туз эритмасини қуйиш керак. Бир неча соатдан кейин уни қайнатиб юбориб, сўнг тозалаш лозим бўлади.

**Дам олиш соатларида**

Айниқса ёзув-чизув билан ёки компьютер ва шунга ўхшаш техник воситалар билан ишловчиларда кўз толиқиши кўп учрайди. Кўзларни доимий толиқтириш эса, ноҳус ҳолатларга олиб бориши аниқ, Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Окулист, олий тоифали шифокор Шўҳрат Абдурасулов шу ҳақда ўз фикрлари билан ўртоқлашади.

Аёлларга берадиган биринчи маслаҳатимиз — илўжи борица косметикадан камроқ фойдаланинг, шунда кўзларингиз атрофидаги нозик терилар зарарланмайди. Кечасига киприқларингиздаги тушни ва қовоқларингиздаги бўёқни терини чўзмай артиб ташланг.

Кейин кўзлар учун махсус ванна қилиш фойдали бўлади. Бунинг учун тоза пиёлага қайнатилган совуқ сувни қуйиб, унга кўзларингизни ботириб, бир неча бор очиб-

ёпинг. Бунда бир неча қават доқадан ўтказилган ва бир чимдим ош тузи қўшилган мойчечак, тошчўп, укроп ёки петрушка дамламаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мабодо, қовоқларингиз салқийдиган

га икки маҳалдан икки ҳафта давомида истеъмол қилиш ҳам кўзлар салқийишдан халос қилади. Шундан кейин кўз қовоқларига махсус музлатувчи гел ёки кўз кремни суртиш лозим.

**Окулист ҳузурида**  
**КЎЗЛАРИНГИЗНИ ТОЛИҚТИРМАНГ**

бўлса — петрушка дамламасидан қилинадиган компресслар энг мақбул муолажа ҳисобланади. Бир ош қошиқ майдалаб кесилган петрушка кўкати 150 мл қайнаган сувга солиб, оғзини қопқоқ билан мустаҳкамлаб, совутасиз. Доқадан ўтказилган дамламани пахтага шимдириб, 10-15 дақиқага қовоқларингиз устига қўясиз. Дарвоқе, петрушка дамламасини ярим стакандан кун-

Йўқга ётишдан бир ярим соатлар олдин киприқларга озроқ канакунжот мойини суртиб, салфеткани бостириш керак бўлади. Ҳар кун кўзларини машқ қилдириш ҳам жуда фойдали. Кўзларингизни юқорига, ўннга, кейин пастга, тиззаларингизга, сўнгра эса — яна юқорига, чапга қаратинг. Қовоқларингизни ювиб, кўзларингиз билан соат миллири буйлаб ва унга тескари айланма ҳаракатлар қилинг. Кўз олдингиздаги кўзгалмас бирон нуқтани танланг, унга диққатингизни жамланг, кейин олисларга тикилинг. Барча машқларни 15-20 мартадан такрорланг.

**Фан оламида**

**«ОЛМОС» САЙЁРА**

чилар учун юлдузнинг орқасида қолиб кетади. Иккиламчи тугилиш деб аталадиган мазкур ҳодиса қизиқ турган сайёра чиқарадиган нурланишлар спектрини ўрганиш имконини беради. Принстон университетидан Никку Мадхусудан бошчилигидаги тадқиқотчилар жамоаси сайёра ўзидан таратаётган нурларни бир неча диапазонда ўрганиш учун Спитцер фазовий телескопи, шунингдек, Гавай оролларидаги телескоплардан бирини ишга

солди. Олинган маълумотлар астрономлар жамоасига олисдаги газ гиганти атмосферасини ташкил этувчи кимёвий бирикмалар тури ва микдори аниқлаш учун математик моделдан фойдаланиш имконини берди.

Маълум бўлишича, сайёра атмосферасидаги углерод ва кислород нисбати 1 бирликдан ортиқ бўлиб қичди — бу эса, фандаги маълум назариялар доирасига ҳеч ҳам сиймайди.

**Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида турли касб эгалари, ижодкор рассомлар, ўқув юртларининг ўқитувчи, талабалари, жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирокида «Табият ва рассом» мавзусида XXVI Республика анъанавий кўргазма очилди.**

**Кўргазмалар**

**ТАБИАТ ВА РАССОМ**

Кўргазма экспозицияларидан юздан ортиқ ранг-тасвирчиларнинг 200 дан ортиқ турли услуб ва йўналишлардаги асарлари ўрин олган. Кўргазма залларидан бирида манзарачи рассом Бехзод Махмудовнинг «Табият ва рассом» мавзусига улаиб кетган «Қалб нафаси» шахсий кўргазмаси ҳам ўрин олган.

Экспонатлар ёнидаги сўхбатларда ушбу йўналишдаги кўргазма таниқли рассомлар Римма Гаглоева, Янис Салипикиди, Евгений Мельников, Юрий Стрельников, Веньямин Акудин, Юрий Чернишев, Дилором Мамедова ва бошқа рангтасвирчи мусаввирлар номин билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритилди.

Экспозицияга қўйилган асарларда мамлакатимизнинг гўзал табияти, ҳудудлари, турли йиллар фасллари, айниқса куз ва қиш фаслларига бағишлаб яратилган асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Шу йўналишдаги чорак асрлик кўргазмалар тарихига назар ташласак, рассомлар учун яратилган шариот натижаида ижодкорларнинг табият оламини, борлиқни ифодалашда асар яратиш услуби ва йўналишлари қўламини бўлган ўзгаришларни кўриш мумкин.

Кўргазмага қўйилган турли авлодларга мансуб забардаст рассомлар, айниқса Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ва Республика рассомлик коллежи ўқувчи-талабаларининг тайёрлаган асарлари эътиборга лойиқдир.

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Алексей Попов олган сурат



**БИР ЧИМДИМ КУЛГИ**

Қорбобо жажжи қизалоқдан сўрайди:  
— Қани айтчи, оппоқ қиз, сенга қанақа совға берай?  
— Вой, жуда қизиқ Қорбобо экансиз-у: электрон почта орқали юборган хатимни олмадингизми?

— Ниқобни сотиб олдингизми?  
— Ҳали олганимча йўқ, сенчи — сен қандай қиёфада бўласан?  
— Гўзаллар маликаси бўламан!  
— Ниқобни сотиб олдингизми?!  
\*\*\*

Йигит китоб дўконига кириб, сотувчи қиздан Янги йил табриклари оқитқаларини сўрайди:  
— Менга бирон-бир юракни «жаз» эттирадиган, таъсирли оқитқаларни кўрсатсангиз...  
— Мана, айнан сиз айтганингиздай: «Танҳо севгилима — умрбод муҳаббат туйғулари билан!»  
— Айнан кўнглимдагидай экан — менга ўнчачасини беринг!

Янги йил арафасида бувисининг уйига набирасини олиб келиши. Болакай йўлда хорич-чарчаб келгани учун ухлаб қолди. Ёмон кайфиятда уйгонган набира хархаша қила бошлади, бувиси уни юпатиб, деди:  
— Агар ҳадеб финшийверманг, Қорбобо сенга минорали кран совға қилади.  
— Зўр-ку! Унда менда иккита минорали кран бўларкан-да!!  
— Нега иккита? — таажжубланди кампир.  
— Иккинчисини сизнинг қаравотингиз тагидан топиб олдим-да, — деди болакай.

Киз йигитга:  
— Янги йил базмида қанақа ниқоб тақасиз?  
— Шрек ниқобини.

# ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ



**Маълумки, бугун Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича XV Осиё чемпионатининг финал босқичи бошланади. Эътиборли томони шундаки, умидбахш ўйинлар орқали финал**

**босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган юртдошларимиз «Хашфа» стадионидаги дастлабки учрашувда майдон эгаларига қарши баҳс юритадилар.**

Таъкидлаш жоизки, 29 январга қадар давом этадиган қитъанинг энг нуфузли мусобақасида Австралия, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Эрон каби Осиёдаги кучи ва маҳорати жиҳатидан жаҳонга танилган терма жамоалар галаба учун кураш олиб боришади. Учрашувлар «Халифа», «Ал Гарафа», «Ахмад бин Али», «Қатар СК» ва «Жассим бин Ахмад» стадионларида ўтказилади. «А» ва «С» гуруҳлари кучли жамоаларнинг кўпчилиги билан ажралиб турибди.

Яъни, сўнгги ўқув-машқ йиғинлари давомида чарм тўп усталаримиз нафақат тактик ва техник, балки жисмоний ва руҳий тайёргарликларини мустаҳкамлашди, икки галаба ва икки дурагга эришиб ишқибозларни хушнуд эттишди. Энг муҳими, Александр Гейнрих, Олим Навқаров, Улугбек Бақоев, Марат Бикмаев, Сервер Жепаров, Виктор Карпенко каби тажрибали футболчиларимиз яхши спорт формасида эканликлари боис, ёшларга ўрнак бўлишларига умид қиламиз. Бир сўз билан айтганда, терма жамоамиз таркибида легионерларни ҳам ҳисобга олганда энг кучли чарм тўп усталари жамланган, тажрибали ва ёш футболчиларнинг ажиб бир ўйғунлиги юзага келганлигини кўраемиз. Терма жамоамиз рақибларга қарши тўғри тактикани танлашса бас.

Куйида 4 та гуруҳдан ўрин олган чемпионат иштирокчилари билан таништириб ўтамиз.

«А» гуруҳи	«В» гуруҳи
Қатар	Иордания
Қувайт	Саудия Арабистони
Ўзбекистон	Сурия
Хитой	Япония
«С» гуруҳи	«Д» гуруҳи
Ҳиндистон	БАА
Австралия	Ироқ
Жанубий Корея	КХДР
Баҳрайн	Эрон

Дилшод ИСРОИЛОВ

Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайти орқали 2010 йил декабрь ойида ўтказилган сўровда 74 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари уч нафардан футболчи ва мураббийга овоз берди.

«Энг яхши футболчи» номинацияси бўйича Жанубий Кореянинг «Сеул» жамоасида тўп сураётган Сервер Жепаров 95 очко жамғариб, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси сардори Одил Аҳмедовдан бир очкога ўзиб кетди. Боқунинг «Нефтчи» жамоасида муваффақиятли ўйин кўрсатаётган Баҳодир Насимов 37 очко билан кучли учликни яқунлади.

С.Жепаров учун 2010 йилги футбол мавсуми ҳам муваффақиятли ўтди. У мавсумни Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси таркибида бошлаб, Ўзбекистон миллий чемпионати, мамлакат кубоги ва Осиё чемпионат лигаси учрашувларида яхши ўйин кўрсатди. Жанубий Кореянинг «Сеул» жамоаси таркибида чемпионатида тўп сурди.

28 ёшли Сервер Жепаров футболчилик фаолияти давомида «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари таркибида кўп маротаба Ўзбекистон чемпиони ва мамлакат кубоги ғолиби бўлган. 2007 йилда «Пахтакор» футболчиси сифатида МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2010 йилнинг энг яхши футболчиси ва мураббийини аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев ғолиб чиқди.

## Спорт

### ЖЕПАРОВ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

кубогида бош совринни қўлга киритган.

Сервер Жепаров 2008 йилда юртимизнинг ва Осиёнинг «Энг яхши футболчиси» деб топилган, спортга ихтисослашган espnstar.com сайти сўро-вига кўра, Осиёнинг 2009 йилдаги «Энг яхши плей-мейкери» деб тан олинган.

«Энг яхши мураббий» номинациясида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев 172 очко билан ғолиб чиқди. «Бунёдкор» жамоасининг Ўзбекистон чемпионати олтин медали ва мамлакат кубогини қўлга киритишига катта ҳисса қўшган бош мураббий Миржалол Қосимов 110 очко билан иккинчи бўлди. Фюзорнинг «Шўртан» жамоасини миллий чемпионатда

тўртинчи ўринга олиб чиққан тажрибали мутахассис Эдгар Гесс эса учинчи погонани эгаллади.

Алексей Евстафеев устозлик қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2010 йилнинг 24 октябрь – 7 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида футбол бўйича 16 ёшга-ча бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашди. Финалга чиққан Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз фаолиятида илк маротаба Осиё чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди ва жорий йилда Мексикада ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА муҳбири**



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

### ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ИШҚ-МУҲАББАТ, ГҶЗАЛЛИК ВА ВАФО ҲАҚИДА

Севдирган ҳам тил, Бездирган ҳам тил.

Севмаганга суйканма!

Яхшини ким севмайди, Ёмондан ким куймайди?

Ҳар гулнинг ҳиди бошқа.

Хусн тўйда керак, Муҳаббат кунда керак.

Тешик мунчоқ ерда қолмас.

Тотув турмуш — узоқ умр.

Уйда роҳати йўқнинг Кўчада фароғати йўқ.

Умр савдоси — қийин савдо.

Фарзанд — белнинг қуввати.

Фарзандга отанинг меҳри кетмонча бўлса Онанинг меҳри осмонча бўлади.

Хотинлик рўзғор гулдир, Хотинсиз рўзғор чўлдир.

Хотиннинг сариштаси — Одамнинг фариштаси.

Шерикчилик — бир йилчилик, Кудачилик — минг йилчилик.

Эгасиз уйнинг чироғи ёнмас.

Эрнинг вазири — хотин.

Эрнинг моли ерда.

Эрни эр қиладиган ҳам хотин, Қора ер қиладиган ҳам хотин.

Эру хотиннинг уриши — Дока рўмоннинг қуриши.

Эру хотин — қўш ҳўкиз.

Этдан тирноқни ажратиб бўлмас.

Эшак минганнинг оёғи тинмас, Қўш хотинлиқнинг қулоғи тинмас.

Яхши хотин — уй зийнати, Ёмон хотин — тўй зийнати. (Давоми бор)



## ҚИШКИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Кутлуғ янги йилнинг илк кунларидаги таътилни ёшлар ўзига хос қувноқ сарғузаштларга бой таассуротлар билан ўтказмоқдалар. Айниқса аёзлик дамларда арча қаршидаги турли сахна кўринишларидаги эртанкимо воқеаларнинг жонли тарзда содир бўлиши, жозибали куй-қўшиқлардан иборат концерт дастурларининг сеҳри барча ёшларга манзур бўлмоқда.

Бу борада «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси томонидан уюштирилаётган тадбирлар айниқса алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳожимлиги ташаббуси билан 25 декабрдан бошлаб худуд миқёсида янги йил тантаналари бошланиб кетган эди. Ёшлар гузарига қад ростилаган арча атрофида масканди мавжуд саккизта мактабга таълим муассасалари, бешта умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ва 9 та маҳаллада истикомат қилувчи 500 нафардан ортқ ёшлар янги йилнинг кириб келишини қувноқ кайфиятда қарши олдилар.

Қорбобо, Қорқиз ва эртанлар қаҳрамонлари иштирокида уюштирилган байрам тадбирлари қизиқарли воқеаларга, дилбар куй ва кўшиқларга, совғаларга бой кечди. Байрамнинг яқунловчи қисми кунга кеча Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали театрга бўлиб ўтди. Ёшларга Қорбобонинг совғалари топширилгандан сўнг «Тилла тухум» спектакли намойиш этилди.

Бу ҳақда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳожими Рўзимурот Чориев бизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Янги йил байрами шодийналарни бизнинг шаҳарчамизда ҳам доимо катта ҳурсандчилик билан нишонланади. Бугун эса ушбу тантананинг яқунловчи қисми театрга бўлиб ўтмоқда. Ёшларимизнинг юзидида шодлиқни кўриб бизнинг калбимизда ҳам ажиб ҳислар уйғонади. Чунки янги йил байрами барча байрамлар ичида гаройиблиги, жозибалилиги, сирлилиги ва ўзига хос совға-саломлари билан ажралиб туради. Худудимизда истикомат қилувчи ва тахсил олаётган 500 нафардан ортқ ёшларга янги йил совғаларини топширдик. Ўзига хос концерт дастурларини намойиш қилдик. Ёшлар бизнинг келажагимиз, ҳаётимизнинг нурафшон ёғдулари. Уларнинг истиқболни йўлида қилинаётган ҳар бир хайрли ишда ватанимиз эртаси мукжасам. Зеро, ёшларимизнинг шижоатли, дадил қадамларида юрт тинчлиги, фаровонлиги, равнақи, тараққийети ва нурли манзилларини кўраемиз. Улар эришаётган ва қўлга киритаётган ютуқлар билан фахрланамиз. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар негизда ватанга муҳаббат, халққа сидқидилдан хизмат қилиш, унинг ободлиги, гуллаб-яшнаши ва дунё мамлакатлари нигоҳида янада сарбаланд бўлиши каби олижаноб ниятлар мукжасам. Умид қиламизки, кутлуғ қадамлари билан кириб келган янги йил ёшлар камолоти йўлида барчани саховатли ишларга ундайди.

Ҳа, янги йилда хамиша энг яхши тилаклар изхор этилади. Яхшилиқни қамраб олган орзуларга туташ режалар тузилади. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида эса хамиша изланиш, интилиш, янгиликлар яратиш ва эртанги куннинг порлоқ режалари бўй чўзади. Талабаларнинг жўшқин ҳаётларига ҳамоҳанг янги гоғлар, фикрлар, умидлар бўстонидаги энг тоза ниятлар туғилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Айни дамларда юртимиз узра Янги йил шукўҳи кезиб юрибди. Эзгу тилақлар, савоб ишлар, наинқи болажонлар, балки катталар кўнглини ҳам кўтариб барчага шодлик ва қувонч улашмоқда.

## Янги йил шукўҳи БОЛАЖОНЛАР КўНГЛИ ҚУВОНЧГА ТўЛДИ

«Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши томонидан ўтказилиб келинаётган «Камолот»дан Янги йил!» лойиҳаси доирасида фаол «камолот»чилар маҳаллаларда истикомат қилувчи кекса, ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларда бўлиб, болажонларга Қорбобо ва Қорқиз совғаларини топшириб, улар қўнғида бир олам қувонч улашмоқдалар. Уй юмушларига қарашли, оғирларини енгил қилиб, кексаларнинг дуоларини олмоқдалар.

— Кунга кеча Чилонзор туманидаги «Олмазор», Сергели туманидаги Ҳабибий, «Наврўз», Шайхонтоҳур туманидаги «Оқлон» каби бир қатор маҳаллаларда бўлиб чиройли байрам томошаларини ўтказдик, — дейди лойиҳа раҳбари Баҳодир Зиёвдидинов. — Максадимиз Янги йил байрамнинг ажиб эзгу тилақларини ҳар бир хонадонга олиб киришига эришиш, ҳеч қандай ҳаётда ёлғизланиб қолишига йўл қўймайлик, болажонлар хамиша меҳру муҳаббатимиз тафтида эканлигини кўрсатиш.

— Хонадонимизга Қорбобо ва Қорқиз кириб келганда кўзларимизга ишонмай қолдим, — дейди «Наврўз» маҳалласида истикомат қилувчи Сардор Баратов. — Қизиқарли ўйинлар, топшиқлар топиш, ўйин-кулги, чиройли совғалар барчаси худди тушимда бўлаётгандек. Бизни унутмаганларни учун катта раҳмат. Келажақда тенгдошларимдек илм олиб, касб-хўнар эгаллашни ният қиламан. 36-ёрдамчи мактаб ўқувчиси Манзура Рустамова эса ўз миннатдорчилигини она Ватани мадҳ этуви шерьларни ёд этиб ифодалади.

Ушбу савобли тадбирларда қатнашаётган етакчи ва сардорлар барчага эзгу тилақларни билдириб, қувончларига шерик бўлмоқдалар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан тақдоран, ФИБ Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман судининг 08.10.2009 йилдаги 1-5491-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Кўйлик даҳаси-1, 16-уй манзилда жойлашган, ер майдони 513 кв.м. бўлган, 1 қаватли бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 1 февраль кунни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-лидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4837 нусхада босилади. Қоғоз битими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонинг мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4!